

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

« 03 » 08. 2020 yil Navbahor shaharchasi

№ 506 -sonli

Тумандаги Чилги-жийда кишлоғида яшовчи тадбиркор Джураева Гуласал Илхомжон кизига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Чилги-жийда маҳалла фуқаролар йиғини Чилги-жийда кишлоғи худудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Тумандаги Чилги-жийда кишлоғида яшовчи тадбиркор Джураева Гуласал Илхомжон кизининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Чилги-жийда маҳалла фуқаролар йиғини 2020 йил 13 июл кунги № 8-сонли йиғилиш баёни маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2.Тадбиркор Джураева Гуласал Илхомжон кизига Чилги-жийда кишлоғи худудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, гўзаллик салони, чевархона, гўшт дўкони, савдо дўкони ва дорихона биноси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 190,0 квадрат метр ер майдони ажратилсин.

3.Тадбиркор Г.Джураевага "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, гўзаллик салони, чевархона, гўшт дўкони, савдо дўкони ва дорихона биноси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4.Тадбиркор Г.Джураева зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, гўзаллик салони, чевархона, гўшт дўкони, савдо дўкони ва дорихона биноси қурилишини 2021 йил 1 августгача қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдоридан банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

5.Тадбиркор Г.Джураева ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

6.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Хамдамов ва туман ҳокимлиги бош мутахасиси А.Алимовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев.



« 14 » 08. 2020 yil № 524 -sonli Navbahor

Фуркат тумани Қўқонбой шаҳарчасидаги “Хайдаров Собиржон боғи” фермер хўжалигига қарашли маъмурий биносининг бўш ер майдонини туман захира ерлар фондига қайтариш ҳамда Қўқонбой шаҳарчаси ҳудудидан “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Фуркат туманидаги “Хайдаров Собиржон боғи” фермер хўжалиги раҳбари С.Хайдаровнинг тумани ҳокимлигига 2020 йил 10 августдаги 3-сонли мурожаатида ўз хўжалигига тегишли бўлган Қўқонбой шаҳарчасида жойлашган маъмурий биносининг 1060,0 кв.метр бўш ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлар фондига олишни кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида хунармандчиликни ривожлантириш ва бу борада эунармандчилик марказларини ташкил этиш борасидаги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида туманидаги “Хайдаров Собиржон боғи” фермер хўжалигига тегишли ер майдонининг бир қисмини розилик асосида захира ерлар фондига қайтариб, ушбу ер майдонига “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари қурилиши лозим бўлади.

Баён этилганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6, 25-моддаларига қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фуркат туманидаги “Хайдаров Собиржон боғи” фермер хўжалиги раҳбари С.Хайдаровнинг 2020 йил 10 августдаги 3-сонли алоқа хати қаноатлантирилсин.
2. Фуркат тумани Қўқонбой шаҳарчасидаги “Хайдаров Собиржон боғи” фермер хўжалигига қарашли маъмурий биносининг 1060,0 кв.метр бўш ер майдони туман захира ерлар фондига қайтарилсин.
3. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдони танлаш ва ажратиш доимий ҳаракатдаги комиссиясининг Қўқонбой шаҳарчасида “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари қурилишига ер майдони танлаш ҳақидаги далолатномаси тасдиқлансин.
4. Ушбу қарорнинг 2-бандига кўра туман захира ерлар фондига қайтарилган 1060,0 кв.метр ер майдони “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари қурилиши учун ажратилсин.
5. Фуркат туманидаги “Хайдаров Собиржон боғи” фермер хўжалигига қарашли маъмурий биносининг ер майдонлари ўзгартириш киритилганлиги муносабити билан кадастр ҳужжатларини қайта расмийлаштириш вазифаси “Хайдаров Собиржон боғи” фермер хўжалиги раҳбари С.Хайдаров зиммасига юклатилсин.

6. Буюртмачи зиммасига “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари биноларини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят Қурилиш Бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39-моддасига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекцияни объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

7. “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари қурилишини лойиҳа асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидан техник назоратни ташкил этиш буюртмачи зиммасига юклатилсин.

8. Буюртмачига зиммасига “Хунармандлар маркази” бино-иншоотлари қурилишини Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддасида белгиланган муддатда амалга ошириш ва фойдаланишга топшириш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев





« 17 » 08 2020 yil

№ 525 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги Шойимбек МФЙ Шойимбек шаҳарчасида яшовчи тадбиркор Рўзматов Асилбек Отабек ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Шойимбек маҳалла фуқаролар йиғини Шойимбек шаҳарчаси ҳудудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.Тумандаги Шойимбек шаҳарчасида яшовчи фуқаро Рўзматов Асилбек Отабек ўғлининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Шойимбек маҳалла фуқаролар йиғинининг 2020 йил 22 июл кунги № 01-04/11-сонли йиғилиш қарори маълумот ва асос учун қабул қилинсин.
- 2.Тадбиркор Рўзматов Асилбек Отабек ўғлига Шойимбек шаҳарчаси ҳудудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, савдо дўкони, гўшт дўкони, чевархона, гўзаллик салони ва музқаймоқ сотиш шаҳобчаси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 160,0 квадрат метр ер майдони ажратилсин.
- 3.Тадбиркор А.Рўзматовга "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, савдо дўкони, гўшт дўкони, чевархона, гўзаллик салони ва музқаймоқ сотиш шаҳобчаси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.
- 4.Тадбиркор А.Рўзматов зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, савдо дўкони, гўшт дўкони, чевархона, гўзаллик салони ва музқаймоқ сотиш шаҳобчасини 2021 йил 1 августгача қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи микдорда банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.
- 5.Тадбиркор А.Рўзматов ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.
- 6.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Ҳамдамов ва туман ҳокимлиги бош мутахасиси А.Алимовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев.



« 17 » 08 2020 yil

№ 526 -sonli

Navbahor shaharchasi

Туманнинг Ингичка МФЙ Ингичка
қишлоғи худудидан тоза ичимлик суви
кудиғи кавлаш учун ер майдони танлаш
ва ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6 ва 34-моддаларига асосан
тумандаги Ингичка МФЙ Ингичка қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан
таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги хузуридаги ер майдонлари танлаш ва
ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон
Республикаси “Маҳаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6 ва
25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Туманнинг Ингичка МФЙ Ингичка қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви
билан таъминлаш мақсадида Ингичка қишлоғи худудидан туман захирасидаги
қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан тоза ичимлик суви тик
кудиғи қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақидаги туман доимий
ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси
тасдиқлансин.

2.Туманнинг Ингичка МФЙ Ингичка қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви
билан таъминлаш мақсадида Ингичка қишлоғи худудидан туман захирасидаги
қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан тик артезиан кудиғи
кавлаш учун 1000,0 квадрат метр ер майдони танлансин ва ажратилсин.

3.Буюртмачига тоза ичимлик суви тик кудиғи қурилишини лойихалаш
учун вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура-
режалаштириш топшириғи тайёрлаб бериш вазифаси юклатилсин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал
хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев.